Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 59 (510) 2021 йил 27 июль, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR   t.me/uzbunyodkor   uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Шу куннинг гаплари

Тожикистонлик тадбиркорлар сармояси иштирокида Сурхондарё вилоятида 25 та корхона фаолият юритяпти. 2021-2022 йилларда ён қўшни тадбиркорлари яна 4 та лойиҳани амалга ошириш учун **24 млн** доллар киритишмоқчи.

Шу кунларда Қорақалпоғистондан ўтган **А-380 "Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу"** автомобиль йўлининг 964-1204 километр қисмида реконструкция ишлари бошланди.

Урганч тумани, Қиёт маҳалласида жойлашган **"Шаҳидлар бобо" жоме масжиди** янгитдан қуриладиган бўлди. **1 000** нафар намозхонга мўлжалланган масжидда барча шароитлар яратилади.

2021 йилнинг январь-июнь ойларида пойтахт вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичга эришди. Республикамиз корхоналарида эса бу **200,1 трлн** сўмликни ташкил қиляпти. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу бир неча ҳиссага кўпдир.

"Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида олиб борилган ишлар натижасида Сурхондарё вилоятининг **69 та** маҳалласи аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

# БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 июль куни маданият, тиббиёт, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилишига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Аввал хабар берилганидек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида замонавий кутубхона барпо этилиши режалаштирилган. Унинг дастлабки тархи бир ой аввал тақдимот қилинган, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг тавсиялари асосида такомиллаштирилган.

Масалан, кутубхона биносининг ташқи кўриниши юртимиздаги қадимий обидаларга уйғун тарзда лойиҳалаштирилган. Улкан китоб фондини сақлаш, мутолаа, маданий ҳордиқ чиқариш, турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олинган.

Тақдимотда кутубхона лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарига онкология ва гематология шифохоналарини ташкил этиш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Маълумки, шу йил 27 май куни "Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарорга мувофиқ, Республика онкология ва радиология тиббиёт маркази учун янги иншоот қуриш белгиланган.

Шу мақсадда Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудидан 5 гектардан зиёд ер ажратилган. Хорижий тиббиёт муассасаларининг илғор тажрибаси, шифокор ва беморлар учун барча шароитлар ҳисобга олиниб, лойиҳа ишлаб чиқилган. Хусусан, бу борада Корея Республикасининг "Daedong Medical Consulting" компанияси билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. 50 дан ортиқ консалтинг корхоналарини ўз ичига олган ушбу компания Корея ва хорижий мамлакатларда 600 дан ортиқ муассасалар қурилишида иштирок этган.

Президентимиз қарори асосида гематологияни ривожлантириш борасида ҳам сифат ўзгаришлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси алоҳида марказ сифатида ажратилиб, келгуси йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидан мустақил тарзда фаолият юритади. Бу икки марказ Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Арнасой кўчасида янги қурилган замонавий биноларга жойлаштирилади.

Тақдимотда ушбу марказларни янги биноларга кўчириш бўйича олиб борилаётган ишлар қайд этиб ўтилди. Бугунги кунда ҳар иккала марказдаги барча хоналар зарур ускуна ва мебель билан жиҳозланган. Ҳар бир ўрин кислород нуқталари билан таъминланган. Кунлик 100 қатновга мўлжалланган амбулатор поликлиника ва стационар бўлимлар ташкил этилган. Оптик толали интернет асосида ишловчи электрон шифохона дастури жорий этилмоқда.

Шунингдек, бу ерда бактериологик, вирусологик лабораториялар ва виварий учун бинолар қурилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги фармонига мувофиқ, "Термиз" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида Термиз халқаро савдо маркази ташкил этилмоқда. Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида унинг бош режасини кўздан кечирган эди.

Умумий қиймати 75 миллион доллар бўлган ушбу марказ улкан ва кўп тармоқли бўлади. У ерда 1 минг 800 та савдо нуқтаси, қарийб 1 миллион тонна юк сиғимига эга логистика маркази ва омборхоналар, 1 минг 600 квадрат метрлик экспомарказ, шунингдек, иккита меҳмонхона, хостел, шифохона, автомобиль устахоналари ва бошқа объектлар барпо этилади.

Марказ учун Термиз туманидан 26 гектар майдон ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Корпусларнинг биринчи қаватида савдо нуқталари, иккинчи қаватида енгил ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилиши кўзда тутилган.



Сурат president.uz сайтидан олинди.

Халқаро савдо марказида махсус солиқ ва божхона режими, 10 кунгача визасиз тартиб, "ягона дарча" тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Натижада ишлаб чиқариш ҳам, савдо ҳам ривожланади. Марказнинг йиллик савдо айланмаси 500 миллион доллар, экспорт қуввати 200 миллион доллар бўлиши мўлжалланган. Бу ерда жами 5 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилиши мумкин.

Тадбирда Тошкент шаҳрида давлат объектларидан самарали фойдаланиш, Наманган вилоятида йўл бўйларида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш борасидаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

**ЎзА.**





# МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ОБОД ҚИШЛОҚЛАРДА НИШОНЛАНАДИ









**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
ЎзА мухбири.

**Жомбойнинг Қўлбости қишлоғи туман марказидан 20-23 километр олисда, дашт ҳудудда жойлашган. Бошқа туманлардаги қишлоқлар билан қиёслаганда марказдан унча олис эмас. Аммо, эътибор қаратилмаса, инфратузилма яратилмаса, масофанинг ҳам аҳамияти йўқолар экан.**

Қўлбостида шу пайтгача шароит бошқача эди. Одамлар яхши турмуш кечиришининг асоси бўлган ичимлик суви, йўл, электр энергияси таъминоти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш масалаларида муаммолар тўпланиб қолганди. Таълим ва тиббиёт муассасалари фаолиятида ҳам камчиликлар кам эмасди.

Бу йил "Обод қишлоқ" дастурига таклиф сўралганда туман раҳбарлари-ю депутатлар, жамоатчилик Қўлбости ва Ногаҳон маҳалласидаги Қўзигузар қишлоқларини танлашди. Эрта баҳордан ушбу қишлоқларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари бошланди. Қўлбостидаги ишлар шу пайтгача тайинли биноси бўлмаган маҳалла учун замонавий марказ қуришдан бошланди ва бу иш қисқа фурсатда бажарилди. Бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини учун хоналар билан бирга кутубхона, новвойхона, кичик тикувчилик цехи ташкил этилди.

Қишлоқдаги 212 та хонадоннинг ҳар биридаги шароит ўрганилиб, ҳовли-жойларни таъмирлашга ёрдам кўрсатилди. Иккита эҳтиёжманд, ижтимоий оғир шароитдаги оила учун уй-жой қуриб берилди. 9 оилага қурилиш материаллари ажратилди.

2-бет

# Жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳаммаси тадбиркорнинг ижтимоий тармоқдаги чиқишидан бошланди. Унда Наманган шаҳридаги Меҳнатобод маҳалласида жойлашган 70-мактаб ёнида халқ таълимига қарашли ерлар ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани иддао қилинганди. Вилоят қурилиш бош бошқармаси мутахассислари масалани атрофлича ўрганиб, тегишли хулоса берди.**

Аниқланишича, мазкур ҳудудда янги МТТ биноси қурилиши бошланган. Бу ишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ҳамда кенгайтирилган тарзда ўтказилган 10-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида ва Наманган шаҳар ҳокимининг 2021 йил 15 мартдаги 134-сон қарорига асосан киришилган. Мазкур МТТ учун вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи" инжиниринг компанияси буюртмасига асосан вилоят қурилиш бош бошқармаси томонидан 2021 йил 23 апрелда 1714-1714401-16811-сонли Архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилган. "Namangan Ideal Dizayn" МЧЖ лойиҳа институти томонидан шаҳарсозлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган. Қурилишга "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУКнинг 2021 йил 10 июндаги 12461-сонли йиғма эксперт хулосаси, Давлат экологик экпертизасининг 2021 йил 29 апрелдаги 01-19/01-400-сонли хулосаси ҳамда шаҳарсозлик кенгашининг тегишли хулосалари олинган.

Бу ҳолатлар шу ҳудудда қурилиши лозим бўлган "Orange Preschool" нодавлат таълим муассасаси раҳбарларига маъқул тушмаган. Чунки улар янги МТТ қад кўтараётган ҳудудни ўзлариники қилиб олмоқчи бўлганга ўхшайди. Натижада юқорида тилга олинган мурожаат пайдо бўлган.

Аммо вилоят қурилиш бош бошқармаси мутахассислари гуруҳининг хулосалари шикоятчиларга маъқул тушмаган. Улар ижтимоий тармоқдаги чиқишларини давом эттиришган. Шунда бош бошқарма раҳбарияти юзага келган вазиятдан кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қарор қилди. Янги МТТ қурилиши бўйича муҳокама ўтказиладиган бўлди. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда эълонлар берилди.

Белгиланган соатда қурилиш майдончаси яқинидаги очиқ майдонда аҳоли вакиллари, журналистлар ва блогерлар тўпланди. Тадбирни Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшодбек Ниязов очди.

– Бугунги кунда қурилиш мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидан бирига айланиб бормоқда, – деди у. – Айни пайтда тармоқни коррупциядан холи этиш, барча жараёнларда шаффофликни таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Мазкур тадбирдан мақсад ҳам янги бунёд этилаётган МТТ ҳақида аҳолига батафсил маълумот беришдир.

Шундан сўнг тадбир иштирокчилари янги МТТ қурилиши лойиҳаси билан таништирилди. Уни бунёд этиш учун давлат бюджетидан 4 миллиард 400 миллион сўм маблағ ажратилгани айтилди. 120 ўринли мазкур болалар боғчаси шу йилнинг ўзида битказилиб, фойдаланишга топширилади. Унда Янги замин ва Меҳнатобод маҳаллалари фуқароларининг фарзандлари тарбияланади. Бу билан жуда муҳим ижтимоий муаммо ечилишига – 3-7 ёшдаги кичкинтойларни мактабгача таълим ташкилотларига жалб этиш юзасидан катта қадам қўйилади.

– Ижтимоий тармоқларда юзага келган баҳсдан хабардор бўлдим, – дейди биз билан суҳбатда "Янги замин" МФЙ раиси, халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашининг депутати Гавҳархон Турғунова. – Қайсидир фуқаро боғча "Янги замин" ўрнига "Меҳнатобод"га қурилмоқда, деб ёзибди. Аммо ушбу қурилиш майдончаси жойлашган ҳудуд бизнинг маҳалламиз тасарруфига ўтган. Тўғри, у "Меҳнатобод"га қўшни ва боғча ҳар икки маҳалла болаларига хизмат қилади. Шунинг учун маҳаллий аҳоли янги ижтимоий соҳа объекти қурилишини маъқуллади.

Муҳокамада сўзга чиққанларнинг, шу жумладан, фейсбукдаги мурожаатлар муаллифининг фикрлари ҳам тингланди. Улар шаҳар ҳокимлиги ва вилоят қурилиш бош бошқармасида ўрганилиб, ечим топиладиган бўлди.

Бундай жамоатчилик муҳокамаларини келгусида мунтазам равишда ўтказиб боришга қарор қилинди.

## Қонунчиликни билинг

# Шаҳарсозлик кодексининг 39-моддаси нима ҳақида?





**39-модда.** Аҳоли пункти бош режасининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш тартибининг бузилишлари устидан шикоят бериш

Аҳоли пункти бош режасининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказишнинг ушбу Кодекснинг 38-моддасида белгиланган тартиби бузилишлари аниқланганда, жамоатчилик назорати субъектлари маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ шикоят беришга ҳақли.

Жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш тартиби бузилганлиги тўғрисидаги шикоят маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан асосли деб топилган тақдирда такрорий муҳокама ўтказилади.

Аҳоли пунктларининг бош режаларини тасдиқлаш тўғрисида жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят берилиши мумкин.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№59 (510) 2021 йил 27 июль

# МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ОБОД ҚИШЛОҚЛАРДА НИШОНЛАНАДИ

1-бет

– Дастур бўйича шу пайтгача қишлоқдаги 2,5 километр йўл асфальт қилинди, 6 километрга тошшағал тўкилди, – дейди “Қўлбости” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдураҳим Абдувоҳидов. – 1700 метр янги электр тармоғи тортилди, 65 та таянч устун ва 1 та янги трансформатор, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Қишлоқда ўтган аср саксонинчи йилларида ўрнатилган сув иншооти таъмирланиб, 7 километр масофага ичимлик суви тармоғи ўтказилди. Аҳолига 135 та газ баллонлари тарқатилди.

Ҳа, дарвоқе, қишлоқда 3000 метр оптик толали алоқа тармоғи ҳам тортилдики, бу ҳудуд аҳолисининг замонавий алоқа хизматлари, интернетдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди.







Эътиборлиси, дастур доирасида бир қатор савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари фаолияти йўлга қўйилди. Бу шохобчаларни маҳаллада “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган аҳоли имтиёзли кредит асосида ёки ҳомийлар кўмагида ташкил этди.

– Тўрт овсин – барчамиз тикиш-бичишни биламиз, имкон қадар уйда тикувчилик қилиб, рўзғорга ёрдам бериб келардик, – дейди шу маҳаллада яшовчи Хуршида Эргашева. – Қишлоғимизда ободонлаштириш ишлари бошланган пайтда туманимиз прокурори, иккинчи сектор раҳбари маҳалла марказида бўш турган жойда кичик бўлса-да, битта хона қуриб, тикувчилик устахонаси ташкил қилишга даъват қилди. Оила аъзоларимиз, овсинларимиз билан маслаҳатлашиб, шу ишга қўл урдик. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қаторида биттагина хона қуриб олдик. Ҳозир бу ерда Мадина овсиним билан ишлаяпмиз. Буюртма асосида кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари тикяпмиз. Ёнимизга яна беш-олти нафар хотин-қизлар келиб қўшилди. Уларга ҳам ҳунар ўргатяпмиз. Келгусида жойни кенгайтириб, кичик тикувчилик цехи очишни режалаштириб турибмиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини учун қурилган бинода ташкил этилган тикувчилик цехида ҳам бугун қишлоқнинг ўндан ортиқ хотин-қизлари иш билан банд.

Маҳалла оқсоқолининг айтишича, йил бошида ҳудуддаги 32 оила “Темир дафтар”да, 63 нафар хотин-қизлар “Аёллар дафтари”да, 82 нафар йигит-қизлар эса “Ёшлар дафтари”да рўйхатга олинган эди. Уларни камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаига эга бўлиши учун кўрилган чора-тадбирлар туфайли ҳозиргача деярли барчаси белгиланган тартибда рўйхатдан чиқарилди.

Зилола Ўрозалиева ҳам “Темир дафтар”да қайд этилган оила бекаси эди. Қўлида тикувчилик ҳунари борлиги учун Зилолага тикув машинаси берилиб, маҳалла марказида ташкил этилган цехни бошқаришни таклиф этишди.

– “Темир дафтар”да рўйхатда бўлганимиз учун менга тикув машинкаси, турмуш ўртоғимга мотокультиватор беришди, – дейди Зилола Ўрозалиева. – Шундан кейин ҳаётимиз анча изига тушди, рўзғоримизга барака кирди. Маҳалла марказидаги кичик цехда кунига иккита-учта кўйлак тикаман, шунингдек, бошқа қўни-қўшниларимга, ёш қизларга бу ҳунарни ўргатяпман. Буюртмалар тушяпти, уларни ҳам биргаликда бажаряпмиз. Мен бу билан чекланиб қолмоқчи эмасман, ўзим тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, кичик цех ташкил этишни олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Ҳозирда Қўлбостида, шунингдек, Қўзигузар қишлоғида “Обод қишлоқ” дастури асосида сўнгги юмушлар амалга оширилмоқда. Қишлоқдаги таълим ва тиббиёт муассасалари таъмирланиб, бугунги кун талабларига мослаштирилмоқда. Яқин орада бу ишлар якунига етказилади ва Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги байрамини бу икки қишлоқ аҳли обод масканда нишонлайди.

Жиззах

## Форишда ички йўллар янгиланяпти

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Фориш туманининг Ўзбекистон маҳалласида ички йўллар неча йиллардан буён таъмирланмагани, носозлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди.**

Айни кунда туман автомобиль йўллардан фойдаланиш давлат унитар корхонаси томонидан маҳалла йўллари таъмирланмоқда. Ҳудуддаги 1,4 километр йўлга қум-шағал тўкиб, текисланди. Амир Темур кўчасининг ушбу маҳалла ҳудудидан ўтган қисмига тўлиқ асфальт қоплама ётқизилди. Бахт кўчасининг 1 километр қисмида эса асфальт қоплама ётқизиш ишлари давом этяпти. Яна 2,1 километр ички йўлларни ҳам таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

## Ободонлаштириш ишлари авжида

**Бахмал туманидаги “Узунбулоқ” сув тозалаш иншоотининг умумий қиймати 89,4 млрд сўм бўлиб, шундан 79,9 млрд сўм маблағ ўзлаштирилган.**

Бош пудратчи “Оби ҳаёт Инжиниринг” МЧЖ томонидан сув тиндиргич, хлорлаш, лаборатория, фильтрлаш станцияси ва ёрдамчи биноларида қурилиш-монтаж ишлари якунланди. Бугунги кунда фильтрлаш станциясининг технологик ускуналари ўрнатилиб, объектда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Қашқадарё

## “Саломатлик йўлаги” ва “Ёшлар боғи” қуриляпти

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ғузор туманида “Саломатлик йўлаги” ва “Wopк out” майдончаси, “Ёшлар боғи” қурилмоқда.**

Шу муносабат билан йўлак ва майдончанинг бошланган қурилиши ҳамда йўлларга асфальт қопламаси ётқизиш тадбири бўлиб ўтди. Унда ушбу майдончанинг илк рамзий машғулотчилари бўлган нуроний отахонларга туман ҳокимлиги томонидан велосипедлар совға қилинди.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида Пачкамар маҳалласида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти ва шу тарздаги қурилиш ишларига яна бир ташаббус қўшилиб, маҳалла ёшлари ва аҳоли учун “Ёшлар боғи” ҳам бунёд этиладиган бўлди.

## Деҳқонободда сел сув омбори иншо этилади

**Мазкур иншоот 54 миллиард сўмга барпо этилаётган бўлиб, қурилиши якунлангач 20 миллион куб сувни сақлаш имкониятига эга бўлади.**

Қурилиш ташкилоти масъулларининг айтишича, сув омбор қурилиши 2021 йилнинг ноябрь ойида якунланиши режалаштирилган. Қурилиш якунланиши билан ҳудудда сув танқислиги олди олиниб, сел тошқини оқибатлари бартараф этилади.

## Янги дам олиш маскани очилди

**Бугунги кунда сайёҳлик юртимиздаги иқтисодиёт тармоқларининг етакчи бўғинларидан бирига айланиб бораётган соҳа ҳисобланади. Қашқадарёнинг Китоб туманидаги сўлим Паландара кенгликларида ҳам “Салтанат” янги бир аҳоли дам олиш маскани очилди.**

Тадбирда хорижий меҳмонлар, вилоят ҳокимлиги ходимлари, тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда нуронийлар иштирок этишди. Таъкидлаш лозимки, бир вақтнинг ўзида 200 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш имкониятига эга мазкур дам олиш маскани 2 гектар майдонни ўз ичига олиб, унда умумий овқатланиш бинолари, очиқ чўмилиш ҳавзаси, 50 ўринга мўлжалланган меҳмон уйлари, ҳовлида эса кўркам боғ қад ростламоқда.


## “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога “Shokir invest” МЧЖнинг 2021 йил 23 июлдаги 106-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар, Сергели тумани хусусий нотариал идорасининг 2021 йил 15 июлдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 12225 | Кольцо и серьги 1 комп. о.в. 8,29 гр., ч.в. 6,79 гр. 583 | 2 860 450,00 |
| 2. | 12249 | Серьги 2 пары о.в. 4,98 гр., ч.в. 4,98 гр. 583; серьги 1 пара о.в. 3,06 гр., ч.в. 3,06 гр. 750; цепь 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 6,00 гр., ч.в. 6,00 гр. 916 | 4 996 600,00 |
| 3. | 12268 | Кольцо 3 шт., серьги 1 пара о.в. 9,86 гр., ч.в. 7,86 гр. 583 | 2 504 425,00 |
| 4. | 12323 | Серьги 1 пара о.в. 1,65 гр., ч.в. 1,45 гр. 583 | 468 931,60 |
| 5. | 12405 | Цепь 1 шт. о.в. 8,33 гр., ч.в. 8,33 гр. 583 | 2 575 630,00 |
| 6. | 13212 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт. о.в. 17,47 гр., ч.в. 17,47 гр. 583 | 4 521 302,08 |
| 7. | 13213 | Цепь 1 шт., браслет 1 шт., кольцо 1 шт., серьги 1 пара о.в. 17,07 гр., ч.в. 16,77 гр. 583 | 4 340 423,20 |
| 8. | 13703 | Сирға 1 жуфт о.в. 4,89 гр., ч.в. 3,49 гр. 583 | 1 178 800,00 |
| 9. | 13720 | Занжир 1 дона нуқсонли о.в. 1,55 гр., ч.в. 1,55 гр. 583 | 542 500,00 |
| 10. | 13739 | Узук 1 дона о.в. 2,03 гр., ч.в. 2,03 гр. 583 | 694 000,00 |
| 11. | 13740 | Узук 1 дона о.в. 2,99 гр., ч.в. 2,97 гр. 583 | 997 000,00 |
| 12. | 13849 | Билакузук 1 дона о.в. 8,19 гр., ч.в. 8,19 гр. 585 | 2 890 750,00 |
| 13. | 14030 | Узук 6 дона, сирға 1 жуфт, узук ва сирға тўплам о.в. 32,44 гр., ч.в. 29,20 гр. 583 | 8 799 250,00 |
| 14. | 14049 | Билакузук 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 1 дона о.в. 12,13 гр., ч.в. 11,53 гр. 583 | 4 557 250,00 |
| 15. | 14125 | Узук 1 дона нуқсонли, узук ва сирға 1 та тўплам о.в. 11.65 гр., ч.в. 11.15 гр. 583 | 3 106 518,32 |
| 16. | 14267 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 5,50 гр., ч.в. 4,80 гр. 583 | 1 603 000,00 |
| 17. | 14313 | Занжир 1 дона о.в. 4,56 гр., ч.в. 4,56 гр. 583 | 1 315 150,00 |
| 18. | 14368 | Занжир 1 дона, узук 2 дона нуқсонли о.в. 11,06 гр., ч.в. 10,56 гр. 583 | 3 358 885,00 |
| 19. | 14724 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона о.в. 6,59 гр., ч.в. 6,59 гр. 583 | 1 981 750,00 |
| 20. | 14725 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 5,52 гр., ч.в. 5,02 гр. 583 | 1 527 250,00 |
| 21. | 14842 | Узук 1 дона о.в. 3,47 гр., ч.в. 3,37 гр. 583 | 1 072 750,00 |
| 22. | 14862 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 8,52 гр., ч.в. 7,62 гр. 583 | 2 860 450,00 |
| 23. | 14888 | Узук 3 дона о.в. 7,89 гр., ч.в. 7,20 гр. 583 | 2 284 750,00 |
| 24. | 14970 | Занжир 1 дона, узук 5 дона, сирға 2 жуфт нуқсонли о.в. 54,34 гр., ч.в. 53,00 гр. 583 | 15 162 250,00 |
| 25. | 15009 | Колье 1 дона о.в. 2,38 гр., ч.в. 1,88 гр. 583 | 769 750,00 |
| 26. | 15028 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 4,55 гр., ч.в. 3,85 гр. 583 | 1 284 850,00 |
| 27. | 15130 | Узук 1 дона о.в. 2,45 гр., ч.в. 2,30 гр. 583 | 921 250,00 |
| 28. | 15171 | Узук 2 дона нуқсонли о.в. 5,78 гр., ч.в. 5,38 гр. 583 | 2 057 500,00 |
| 29. | 15260 | Билакузук 1 дона нуқсонли о.в. 1,82 гр., ч.в. 1,82 гр. 583 | 769 750,00 |
| 30. | 15270 | Билакузук 1 дона, узук 1 дона о.в. 10,57 гр., ч.в. 9,87 гр. 583 | 3 193 750,00 |
| 31. | 15272 | Цепь 1 дона, сирға 1 дона жуфтсиз о.в. 11,38 гр., ч.в. 10,58 гр. 583 | 3 133 150,00 |
| 32. | 15329 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт о.в. 5,54 гр., ч.в. 5,24 гр. 583 | 1 840 681,28 |
| 33. | 15484 | Узук 1 дона о.в. 2,49 гр., ч.в. 1,89 гр. 583 | 726 320,00 |
| 34. | 15630 | Узук 1 дона о.в. 3,02 гр., ч.в. 2,82 гр. 583 | 769 750,00 |
| 35. | 15635 | Узук ва сирға 1 та тўплам о.в. 5,85 гр., ч.в. 4,35 гр. 583 | 1 678 750,00 |
| 36. | 15655 | Сирға 1 жуфт, узук 2 дона о.в. 8,96 гр., ч.в. 7,96 гр. 583 | 3 042 250,00 |
| 37. | 15829 | Узук 1 дона, колье 1 дона, занжир 2 дона нуксонли, Билакузук 2 дона о.в. 43,43 гр., ч.в. 42,43 гр. 583 | 16 677 250,00 |
| 38. | 15951 | Узук 2 дона о.в. 11,85 гр., ч.в. 10,85 гр. 583 | 4 102 750,00 |
| 39. | 15965 | Узук 3 дона о.в. 9,22 гр., ч.в. 8,22 гр. 583 | 2 436 250,00 |
| 40. | 16003 | Узук 1 дона о.в. 1,29 гр., ч.в. 1,19 гр. 585 | 466 750,00 |
| 41. | 16015 | Занжир 1 дона о.в. 15,97 гр., ч.в. 15,97 гр. 585 | 5 314 750,00 |
| 42. | 16033 | Занжир 1 дона о.в. 2,70 гр., ч.в. 2,70 гр. 585 | 1 224 250,00 |
| 43. | 16099 | Узук 1 дона, занжир 1 дона нуксонли, кулон 1 дона о.в. 13,04 гр., ч.в. 12,04 гр. 583 | 4 405 750,00 |
| 44. | 16157 | Билакузук 1 дона, узук 1 дона нуқсонли о.в. 11,08 гр., ч.в. 10,88 гр. 583 | 3 724 000,00 |
| 45. | 16192 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 2,36 гр., ч.в. 2,36 гр. 583 | 921 250,00 |
| 46. | 16248 | Узук 1 дона о.в. 3,41 гр., ч.в. 3,41 гр. 583 | 1 300 000,00 |
| 47. | 16299 | Сирға 1 жуфт нуқсонли о.в. 3,69 гр., ч.в. 3,49 гр. 583 | 1 330 300,00 |
| 48. | 16382 | Кулон 1 дона о.в. 7,08 гр., ч.в. 7,08 гр. 583 | 2 360 500,00 |
| 49. | 16383 | Узук 1 дона о.в. 2,47 гр., ч.в. 2,27 гр. 583 | 769 750,00 |
| 50. | 16385 | Узук 2 дона нуқсонли о.в. 6,53 гр., ч.в. 6,53 гр. 583 | 2 133 250,00 |
| 51. | 16484 | Узук 1 дона о.в. 2,33 гр., ч.в. 2,33 гр. 583 | 890 950,00 |
| 52. | 16521 | Узук 1 дона о.в. 5,83 гр., ч.в. 5,63 гр. 583 | 2 133 250,00 |
| 53. | 16538 | Узук 1 дона о.в. 3,75 гр., ч.в. 3,15 гр. 583 | 1 224 250,00 |
| 54. | 16572 | Соат 1 дона о.в. 28,17 гр., ч.в. 23,17 гр. 583 | 8 799 250,00 |
| 55. | 16632 | Узук 2 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт, Билакузук 1 дона о.в. 13,05 гр., ч.в. 11,25 гр. 583 | 4 254 250,00 |
| 56. | 16646 | Узук 1 дона о.в. 3,95 гр., ч.в. 3,85 гр. 583 | 1 451 500,00 |
| 57. | 16726 | Кулон 1 дона, узук 2 дона нуқсонли о.в. 7,55 гр., ч.в. 7,45 гр. 583 | 2 587 750,00 |
| 58. | 16742 | Билакузук 1 дона о.в. 6,48 гр., ч.в. 6,48 гр. 585 | 2 436 250,00 |
| 59. | 16926 | Узук 1 дона нуқсонли о.в. 2,25 гр., ч.в. 1,75 гр. 585 | 436 450,00 |
| 60. | 16933 | Сирға 1 жуфт о.в. 3,22 гр., ч.в. 3,22 гр. 583 | 1 224 250,00 |
| 61. | 16981 | Узук 2 дона о.в. 6,47 гр., ч.в. 6,17 гр. 583 | 2 436 250,00 |
| 62. | 17133 | Узук 1 дона о.в. 1,76 гр., ч.в. 1,46 гр. 583 | 557 650,00 |
| 63. | 17181 | Узук 1 дона о.в. 2,26 гр., ч.в. 1,56 гр. 583 | 618 250,00 |
| 64. | 17268 | Сирға 1 жуфт о.в. 1,70 гр., ч.в. 1,70 гр. 585 | 648 550,00 |
| 65. | 17276 | Занжир 1 дона, браслет 1 дона нуқсонли, кулон 1 дона о.в. 13,89 гр., ч.в. 13,89 гр. 583 | 5 314 750,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **178 568 216,48** |

Аукцион савдолар **2021 йил 26 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 24 август куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2021 йил 26 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 9 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2021 йил 9 сентябрдаги савдо учун 7 сентябрь куни соат 16:00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Давр банк” ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

## “Respublika mulk markazi” МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo‘shinlarining 2021 йил 23 июлдаги 30/4/1-11095-сонли буюртманомасига асосан Тошкент шаҳрида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари бутловчи қисмлари қўйилмоқда:**

1. Автосирена 32 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 600 000 сўм. **Жами** – 19 200 000 сўм.
2. Автосирена (без пульта) 6 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 350 000 сўм. **Жами** – 2 100 000 сўм.
3. Автомобильный самбуфер “KLONG” 4 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 500 000 сўм. **Жами** – 2 000 000 сўм.
4. Автоколонка “PIONER” 32 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 700 000 сўм. **Жами** – 22 400 000 сўм.
5. Автоколонка “KENWOOD” 5 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 700 000 сўм. **Жами** – 3 500 000 сўм.
6. Автомагнитофон “JSD” 192 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 28 800 000 сўм.
7. Автомагнитофон “JD” 19 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 2 850 000 сўм.
8. Автомагнитофон “GB” 30 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 4 500 000 сўм.
9. Автомагнитофон “CDX” 89 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 13 350 000 сўм.
10. Автомагнитофон “BOS” 2 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 300 000 сўм.
11. Автомагнитофон “UNP” 4 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 600 000 сўм.
12. Автомагнитофон “XBTQD” 9 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 1 350 000 сўм.
13. Автомагнитофон “D-TRQ” 8 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 1 200 000 сўм.
14. Автомагнитофон “HD-520” 39 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 5 850 000 сўм.
15. Автомагнитофон “PIONER” (950/317/DEH-XY1775SBT) 149 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 120 000 сўм. **Жами** – 17 880 000 сўм.
16. Автомагнитофон “ULTRA SONIK” 20 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 150 000 сўм. **Жами** – 3 000 000 сўм.
17. Зеркало заднего вида “BROZDWAY” (авто) 92 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 50 000 сўм. **Жами** – 4 600 000 сўм.
18. Автомонитор “TFTLCD color monitor” 18 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 130 000 сўм. **Жами** – 2 340 000 сўм.
19. Автошина NEXEN 5.00 R 12 (Корея) 4 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 600 000 сўм. **Жами** – 2 400 000 сўм.
20. Трактор балони (Алтай) 9.5-32 B-110 2 дона, **ҳар бирининг баҳоси** – 1 750 000 сўм. **Жами** – 3 500 000 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 11 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 9 август куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 11 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2021 йил 25 август ва 8 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 “Давр банк” ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2 босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-427-сонли қарори ижроси таъминлаш мақсадида:**

# “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

## 2021 йил Дастури доирасида Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида массивларга кириш ва ички йўлларни қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади!

## № КФР 2021-01

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўртасида имзоланган №1024 сонли Қарз келишувига асосан “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2 босқич)” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва Қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларда массивларга кириш ва ички йўлларни қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб-қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК (“Буюртмачи”) ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган Лотлар бўйича массивларга кириш ва ички йўллар қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

**Қурилиш муддати** – 6 (олти) ойни ташкил этади.

А) Қашқадарё вилоятининг қишлоқ жойларида жами 2,953 км массивларга кириш ва ички йўлларни қуриш *(**Қурилиш муддати** – 6 (олти) ойни ташкил этади)*.

Б) Сурхондарё вилоятининг қишлоқ жойларида жами 5,049 км массивларга кириш ва ички йўлларни қуриш *(**Қурилиш муддати** – 6 (олти) ойни ташкил этади)*.

В) Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларида жами 6,297 км массивларга кириш ва ички йўлларни қуриш *(**Қурилиш муддати** – 6 (олти) ойни ташкил этади)*.

2. Тендер савдолари ҚАИТЖ томонидан молиялаштирилган товарлар ва хизматларни харид қилиш бўйича қўлланмага ва миллий тендер савдолари шартларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан барча иштирокчилар учун очиқ.

3. Янги тартибга мувофиқ массивларга кириш ва ички йўллар қурилишида рейтинг тизимига кирган **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин:

| Қашқадарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Фарғона вилояти |
|---|---|---|
| **Манзил:** Карши шаҳри, И. Каримов кўчаси, 60-“а”. **Телефон:** 75-223-18-80. **Факс:** 75-223-19-11. | **Манзил:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42. **Телефон:** 76-223-44-73. **Факс:** 76-223-44-78. | **Манзил:** Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36. **Телефон:** 73-244-68-91. **Факс:** 73-224-68-92. |

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари юқоридаги манзилга қуйидаги тартибда ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин:

“_______вилояти, _________тумани, ___________ массивидаги, _________ лот ______ км массивларга кириш ва ички йўллар қурилишни амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.” Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб **“СС” ва ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар томонидан, рус тилида тузилган тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи кейинчалик қайтариб берилмайдиган 1 БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

**Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Қашқадарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Фарғона вилояти |
|---|---|---|
| **Банк:** АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Қарши филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 9038 2371 1001 **СТИР:** 202 453 632 | **Банк:** АТБ “Hamkorbank” Термиз филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 5042 7255 2001 **СТИР:** 202 574 427 | **Банк:** АТБ “InFinBank” Фарғона шаҳар филиали **Ҳ/р:** 2021 0000 2037 6761 8001 **СТИР:** 202 529 457 |

6. Барча таклифлар танлов савдолари эълон қилинган санадан бошлаб (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача) 3-бандда кўрсатилган манзил бўйича танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этилиши лозим. Таклифлар қуйидаги жадвалда (жадвалга қаранг) кўрсатиб ўтилган муддатдан олдин вилоят қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказлари томонидан қабул қилинади. Жадвалда кўрсатиб ўтилган муддатдан кеч тақдим қилинган таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифларини топшириш муддати миллий байрамга тўғри келса, таклиф топшириш муддати кейинги иш кунига узайтирилади.

7. Тендер таклифини таъминлаш тўғрисидаги **декларация** таклифларга илова қилиниши керак. Тендер таклифларининг очилиши тендерда иштирок этувчи ташкилотларнинг вакиллари иштирокида қуйидаги жадвал бўйича тендер таклифлари тақдим этилишининг охирги кунида бўлиб ўтади.

**Таклифлар қуйидаги манзилда очилади:**

| Қашқадарё вилояти ҳокимияти | Сурхондарё вилояти ҳокимияти | Фарғона вилояти ҳокимлиги |
|---|---|---|
| **Манзил:** Қарши шаҳри, Мустақиллик майдони, 1. **Телефон:** 75-221-02-38. **Факс:** 75-221-11-10. | **Манзил:** Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42. **Телефон:** 76-223-44-73. **Факс:** 76-223-44-78. | **Манзил:** Фарғона шаҳри, А. Навоий кўчаси. **Телефон:** 73-224-33-77. **Факс:** 73-222-33-77. |

8. Кечиккан таклифлар рад этилади ва ёпиқ шаклда қайтарилади.

### ТАКЛИФ № КФР-2021-01
### Қувайт Араб иқтисодий тараққиёти жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасидаги
### ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

| Лот № | Туман номи | Массив номи | Массивларга кириш ва ички йўллар узунлиги (км) | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|
| **Қашқадарё вилояти** | | | **2,953 км** | |
| КФР-1 | Деҳқонобод | Бешбулоқ | 0,110 | 2021 йил 26 август, соат 11.00 |
| | Нишон | Нуристон | 0,282 | |
| | Ғузор | Мустақиллик | 0,201 | |
| КФР-2 | Касби | Тинчлик | 0,167 | 2021 йил 26 август, соат 11.10 |
| | Миришкор | Янги Миришкор | 0,069 | |
| | Косон | Машъал | 0,040 | |
| КФР-3 | Китоб | Истиқбол | 0,633 | 2021 йил 26 август, соат 11.15 |
| КФР-4 | Шаҳрисабз | Истиқбол | 0,381 | 2021 йил 26 август, соат 11.15 |
| КФР-5 | Қарши | Чаман | 0,482 | 2021 йил 26 август, соат 11.20 |
| | Муборак | Бобур | 0,135 | |
| КФР-6 | Яккабоғ | Чўмич | 0,064 | 2021 йил 26 август, соат 11.25 |
| | Чироқчи | Олтин Дала | 0,256 | |
| | Қамаши | Ўзбекистон | 0,133 | |

| Лот № | Туман номи | Массив номи | Массивларга кириш ва ички йўллар узунлиги (км) | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|
| **Сурхондарё вилояти** | | | **5,049 км** | |
| КФР-7 | Ангор | Шарқ гули | 0,258 | 2021 йил 26 август, соат 11.00 |
| | Бандихон | Бандихон | 0,260 | |
| | Бойсун | Мустақиллик | 0,249 | |
| | Музрабод | Янгиҳаёт | 0,145 | |
| | Қизириқ | Шодлик | 0,250 | |
| КФР-8 | Денов | Нурли манзил | 0,984 | 2021 йил 26 август, соат 11.10 |
| | Узун | Баҳористон | 0,180 | |
| | Шеробод | Тароқли | 0,345 | |
| КФР-9 | Жарқўрғон | Чаман | 0,705 | 2021 йил 26 август, соат 11.15 |
| | Термиз | Учқизил | 0,178 | |
| | Қумқўрғон | Дўстлик | 0,400 | |
| КФР-10 | Олтинсой | Ипоқ | 0,090 | 2021 йил 26 август, соат 11.20 |
| | Сариосиё | Лутфикор | 0,705 | |
| | Шўрчи | Оққамар | 0,064 | |
| **Фарғона вилояти** | | | **6,297 км** | |
| КФР-11 | Боғдод | Мурувват | 1,526 | 2021 йил 26 август, соат 11.00 |
| КФР-12 | Бешариқ | Адиробод | 0,335 | 2021 йил 26 август, соат 11.10 |
| | Данғара | Қизилмушт | 0,499 | |
| | Учкўприк | Тожик | 0,342 | |
| | Фурқат | Ғунча | 0,417 | |
| КФР-13 | Олтиариқ | Катпут | 1,376 | 2021 йил 26 август, соат 11.15 |
| КФР-14 | Қува | Турк | 0,397 | 2021 йил 26 август, соат 11.20 |
| | Риштон | Нурафшон | 0,469 | |
| | Тошлоқ | Чаман | 0,427 | |
| | Фарғона | Бобур | 0,509 | |

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

**Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:**

| Массивларга кириш ва ички йўллар узунлиги (км) | Талаб этилган 3 йиллик ўртача айланма маблағ ( сўм) | Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги 1 шартнома (сўм) | Сўнгги 3 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми $м^3$ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари $м^3$ | Сўнгги 3 йил давомида қуриб битказган йўл объектларининг узунлиги $м^2$ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 1 250 000 000,0 | 560 000 000,0 | 900 000 000,0 | 900,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 2 500 000 000,0 | 1 120 000 000,0 | 1 800 000 000,0 | 1 800,0 | 400,0 | 4 000,0 |


# “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ

## очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2021 йил 26 август куни соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳар 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога “Karshi-Bitum” МЧЖ ҚКга қарашли йилига 30 минг тоннагача нефтни қайта ишлайдиган ва нефть маҳсулотларидан сифатли дизель ёқилғиси, бензин ва битум ишлаб чиқариш ускуналари қўйилади:

1. 2019 йилда Россияда ишлаб чиқарилган, Код ТНВЕД 8419400009 бўлган, техник ҳолати соз “Колонна атмосферная по чертежу 20-001.00.00.000 СБ” русумли ускуна. **Бошланғич баҳоси** – 7 458 747 641,56 сўм.

2. 2019 йилда Россияда ишлаб чиқарилган, Код ТНВЕД 8417807000 бўлган, техник ҳолати соз “Печь для нагрева сырья по чертежу 215.00.00.000” русумли ускуна. **Бошланғич баҳоси** – 10 553 734 648.9 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 2021 йил 25 август куни соат 13.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдода қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри 4-митти туман, **мўлжал:** “Парвина” кафесининг ўнг ёни)да қабул қилинади.

Ғолиб харидорлар 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартномасини тузишлари ва мулк қийматини олди-сотди шартномада кўрсатилган муддат ичида тўлаб беришлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар “Закалат пули тўғрисида”ги келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 0,5 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт. Кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида ҳақ олинади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: “Qashqadaryo kim oshdi savdo” МЧЖ, “Ипотека-банк” АТИБ Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5043 9626 6001 СТИР 205 560 394.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.
**Мўлжал:** “Парвина” кафеси ёнида.
**Телефон:** 91-322-61-61.

*1665 рақамли гувоҳнома.*



# АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

“PRIME REALTY” МЧЖ ҳамда “Asakabank” АЖ Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Корходжаота кўчаси, 3-тор, 5-“А” уйда жойлашган, **умумий фойдаланиш майдони** – 63,71 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 86,53 квадрат метр, **яшаш майдони** – 50,33 квадрат метрдан иборат турар жой аукцион савдоларига чиқарилган. Такрорий аукцион савдо ҳар ҳафтанинг жума куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Объектнинг бошланғич баҳоси** – 792 821 753 сўм.

**Алоҳида шартлар:**

*1-босқич*

– шартнома бўйича тўлов муддати 3 йилдан кўп бўлмаган муддатда тузилади;

– йиллик фоиз тўлови Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасига асосан ҳисобланади;

– закалат суммаси мулкнинг бошланғич баҳосидан 50 фоиз;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномаси имзолангандан сўнг 20 календарь кун ичида тўлаган бошланғич баҳосининг 50 фоиз закалат пулидан сотилиш баҳосининг 50 фоиз тафовутини тўлаш;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини имзолагандан сўнг 20 календарь кун ичида мулкни шикастланишидан суғурта шартномасини тузиши лозим.

*2-босқич*

– шартнома бўйича тўлов муддати 7 йилдан кўп бўлмаган муддатда тузилади;

– йиллик фоиз тўлови Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасига асосан ҳисобланади;

– закалат суммаси мулкнинг бошланғич баҳосидан 15 фоиз;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномаси имзолангандан сўнг 20 календарь кун ичида тўлаган бошланғич баҳосининг 15 фоиз закалат пулидан сотилиш баҳосининг 15 фоиз тафовутини тўлаш;

– аукцион ғолиби олди-сотди шартномасини имзолагандан сўнг 20 календарь кун ичида мулкни шикастланишидан суғурта шартномасини тузиши лозим.

Аукцион савдо Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-“А” уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига мулк сотув нархининг 1 фоиз миқдорида комиссион йиғим тўлаши лозим.

Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 11.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдодан бир кун олдин соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 2020 8000 7007 6599 0001 АТБ “InFinBank” МФО 01041 СТИР 304 844 964.

**Аукцион савдода қатнашиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

– **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ҳар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун 1 000 000 (бир миллион) сўм миқдорида тўлов олинади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
**Тел.:** 99-858-01-12,
**E-mail:** info@primerealt.uz
**Веб-сайт:** www.primerealt.uz.

*RR 0285-сонли лицензия.*



## ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

# “Fargona mulk markazi” МЧЖ

## очиқ тартибда ўтказиладиган ким ошди савдосига таклиф этади

**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 майдаги 09-АТ-84-сонли розилик хати ҳамда Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2021 йил 27 майдаги 38-сонли буйруғига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. Фарғона шаҳар болалар шифохонасига қарашли бўлган 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 089 QAA бўлган “УАЗ-315201” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 1 896 996 сўм.

2. Махсус тиббий таъминот базасига қарашли бўлган 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 089 ОАА бўлган “РАФ-220301” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 3 574 263 сўм.

3. Махсус тиббий таъминот базасига қарашли бўлган 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 694 ОАА бўлган “РАФ-220301” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 3 460 451 сўм.

4. Махсус тиббий таъминот базасига қарашли бўлган 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 655 SAA бўлган “ВАЗ-2121” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 3 083 261 сўм.

5. Махсус тиббий таъминот базасига қарашли бўлган 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 654 SAA бўлган “ГАЗ-5204” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 5 709 500 сўм.

6. Махсус тиббий таъминот базасига қарашли бўлган 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 780 UAA бўлган “Дамас” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 2 867 360 сўм.

7. Урология илмий-амалий тиббиёт марказига қарашли бўлган 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 713 UAA бўлган “Дамас” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 4 497 688 сўм.

8. Данғара тумани СЭО ва ЖСБга қарашли бўлган 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 841 МАА бўлган “Дамас” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 7 286 500 сўм.

9. Бешариқ тумани СЭО ва ЖСБга қарашли бўлган 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 654 NAA бўлган “Дамас” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 4 323 176 сўм.

10. “Шифо тез ёрдам” атохўжалик корхонасига қарашли бўлган 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 40 097 QAA бўлган “Тико” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 5 575 601 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 30 август куни соат 10.00 дан бошлаб Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй, Фарғона вилояти “Агросуғурта” бошқармаси биносининг мажлислар залида ўтказилади.**

Аукцион савдо шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2021 йил 7, 14 ва 21 сентябрь кунлари соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан балансда сақловчининг вакили иштирокида бевосита транспорт воситаси сақланаётган жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоларидан бир кун олдин 12.00 да тўхтатилади.**

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули ҳамда энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида “Ахборот-маслаҳат” хизмати учун тўловни “Farg'ona mulk markazi” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 1049 4306 3001 ХАББ “Trast bank” Фарғона филиали МФО 01123 СТИР 302 134 194.

**Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманомага илова қилган ҳолда тақдим этади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига юқоридаги тўловларни амалга оширилганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

**Мурожаат учун телефон:** 73-244-33-88, 90-407-07-62.

*1177 рақамли гувоҳнома.*

# КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ
## меҳнат бозорининг ривожланиш омилидир

**Равшан ҲАКИМОВ,**
Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори

**Архитектура ва қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш, олий таълим жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш долзарб ҳисобланади.**

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли фармони ушбу мақсадларни қамраб олиб, бир қатор устувор вазифаларни босқичма-босқич амалга оширишни белгилаб берди. Хусусан:

халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрларни тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

олий таълим муассасаларининг ўқув режаларини кредит-модуль тизимига ўтказиш механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни босқичма-босқич мазкур тизимга татбиқ қилиш;

халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтказиш;

олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам 2020-2021 ўқув йилидан ўқув жараёни кредит-модуль тизимига ўтказилди. Кадрлар буюртмачиларининг таклифлари бўйича 18 та бакалавриат таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассислигининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ўқув режалари ҳамда фан дастурлари мазмуни яратилди. Шунингдек, мутахассислик фанлари бўйича соатлар тақсимоти ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ҳамда лойиҳа ташкилотлари билан ҳамкорликда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида шакллантирилди.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаларидаги "Табиий-илмий ва гуманитар фанлар" блоки номутахассислик фанлари 13 фоиз, "Умумкасбий фанлар" блокидаги фанларни унификациялаш ҳисобига номутахассислик фанлари 15 фоизга қисқартирилди. Бунинг ҳисобига "Ихтисослик фанлари" блокидаги фанлар 34 фоиз ва танлов фанларининг миқдори 43 фоизга оширилди.

Шунингдек, таълим соҳалари бўйича давлат таълим стандартлари ҳамда бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича малака талаблари илғор хорижий тажрибаларга таянган ҳолда аниқ, лўнда, кадрлар буюртмачиларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Кредит-модуль тизими ўқув режаларидаги ўқув юкламалари (талаба томонидан ўқув фаолиятининг барча турлари – маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория иши, курс лойиҳаси (иши), амалиёт ва мустақил ишни амалга ошириш асосида кутилган ўқув натижаларига эришиш учун зарур бўлган соатлар) ҳажми бакалавриат таълим йўналишларида 40-50 фоиз аудитория соати, 50-60 фоиз мустақил иш соатига, магистратура мутахассисликларида 30-40 фоиз аудитория соати, 60-70 фоиз мустақил иш соатига бўлинди. Бир семестр 15 ҳафта этиб белгиланди.

Талабага муайян фан бўйича аудиторияда белгиланган ҳар бир соат дарс учун дарсдан ташқарида 1,5 соат мустақил ўқиши, тайёрланишига вақт ажратиладиган бўлди. Бу профессор-ўқитувчидан ўта масъулиятли бўлишни талаб қилади, яъни талабаларни ўз вақтларидан самарали фойдаланишлари учун уларга дарсдан ташқарида ўқиш учун қизиқарли материаллар ва муаммоли вазиятлар бериб бориш ўқитувчининг вазифасига киритилди.

Талабанинг билим олиш вақти тушунчаси дарс вақти тушунчаси билан чекланиб қолмасдан, талаба ўқиш учун сарфлаган умумий вақт билан ўлчанадиган бўлди. Унда яна билимнинг манбаи фақат профессор-ўқитувчи ёки аудитория эмаслигига ишора қилинди. Қисқача айтганда, ўқиш вақти тушунчасига ўқитувчи нуқтаи назаридан эмас балки талаба нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлди.

Талаба фан дастурини тамомлагандан сўнг, ўрганган билимлари асосида нималар қила олиши аниқ кўрсатилди.

Тошкент архитектура-қурилиш институти томонидан кредит-модуль тизимида таълим жараёнини ташкил этишда ҳафталик беш ўқув кунлари мустақил белгиланди.

Таълим дастури тузилмаси унинг ҳар бир таълим элементига мос келадиган таълим олиш натижаларини кўрсатган ҳолда бир академик ўқув йилига 60 кредит мос келишини ҳисобга олиб ишлаб чиқилди. Таълим дастурида кредитларнинг миқдори ўқув юкламаси асосида кўрсатилди. Талабаларнинг таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштириши ҳамда талаб қилинган малакага эга бўлиши учун талаблар аниқ белгиланди. Ўзлаштириш қоидалари танланган таълим дастури бўйича ўқитишнинг турли босқичлари учун белгиланган кредитлар миқдорида ёки кредитлар оралиғида ифодаланиши эътиборга олинди.

Таълим дастурининг талабалар томонидан муваффақиятли бажарилишига ёрдам бериш учун гуруҳ мураббийлари томонидан маслаҳат ва тушунтиришлар доимий бериб борилмоқда. Маслаҳат доирасида талабаларга таълим олиш натижасида эришган ютуқлар ва тажрибани тан олиш имкониятлари тушунтирилди.

Семестр давомида талаба томонидан тўпланиши лозим бўлган кредитлар миқдори ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларини ўз ичига олди. Танлов фанлари таркиби ва уларни ўрганишга ажратиладиган кредитлар миқдори мустақил белгиланди. Талабалар шахсий таълим траекториясида белгиланган танлов фанлари доирасида фанларни мустақил танлаши йўлга қўйилди.



2021-2022 ўқув йилига тайёргарлик кўриш мақсадида кредит-модуль тизимидаги 18 та бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари асосида 32 та танлов фанлари ва 23 та магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари бўйича 33 та танлов фанларини аниқлаш ишлари олиб борилди.

Мазкур ишларни амалга ошириш жараёнига ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари, хусусан, "Бинокор темир-бетон сервис" МЧЖ, "ДСК Бинокор" МЧЖ, "12-Трест" МЧЖ, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ, "Ўзоғирсаноатлойиҳа" АЖ, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Ташгипрогор" ОАЖ, "ТошуйжойЛИТИ" АЖ, "ТошкентбошпланЛИТИ" АЖ, "ЎзИнжиниринг" АЖ, "Ўзсувтаъминот" АЖ, "Гидропроект" АЖ, "ЎзнефтгазЛИТИ" АЖнинг жами 50 нафарга яқин тажрибали мутахассислари иштирокида талабаларнинг талаб ва истаклари муҳокама этилиб, 260 та фаннинг катологи тўлиқ шакллантирилди.

1-курс бакалавриат таълим йўналишидаги 1104 нафар ва магистратура мутахассисликларининг 193 нафар талабалари эътиборига онлайн режимда жами 65 та танлов фанларини танлаш учун 260 та фаннинг номлари, мақсади ва вазифалари, дарс машғулотлари олиб борадиган профессор-ўқитувчилар ҳамда фанга ажратилган кредитлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар берилди. Мазкур жараёнда барча талабалар тўлиқ иштирок этди ва катта қизиқиш билдирилди. Бу ҳолат талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун олий таълим муассасасига замонавий муҳитни олиб кирди.

Пировардида, таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар ўртасида рақобатни шакллантириш мақсадида талабаларга фан доирасида профессор-ўқитувчиларни танлаш имкониятига йўл очилди.

Таълим дастурлари каталогини ўқув йили бошланишидан камида бир ой олдин эълон қилинишини эътиборга олиб, таълим олиш муҳити, талабалар билан ишлаш хизматлари, ишлаб чиқариш ташкилотларида амалиётларни ўташ имкониятлари, спорт билан шуғулланиши ва дам олиш имкониятлари, талабалар бирлашмалари, ахборот-ресурс маркази, фан тўгараклари, халқаро академик дастурларда қатнашиш имкониятлари, ўқув фанлари дастурларини давом этиш муддати, кредитлар миқдори, таълим олиш натижалари, назорат ўтказиш тартиби ва баҳолаш шкаласи, сайёр ўқув машғулотлари тўғрисида маълумотлар тайёрланди.

# Ҳар бир ғалаба барчамизга ғурур бағишламоқда

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ҳеч қайси соҳа мамлакатни спортчалик тез танитмаса керак. Миллионлаб қалбларни бирлаштирадиган ҳам, бир мақсад сари олға интилишга ундайдиган ҳам спортдир. Хабарингиз бор, шу йилнинг 23 июль куни Токио Ёзги Олимпиада Ўйинлари расман старт олди. Энг қиммат ёзги Олимпиадада ўзбекистонлик 71 олимпиячи спортнинг 17 тури бўйича совринли ўринлар учун курашга киришдилар.**



Токиодаги Олимпия ўйинларида дунёнинг 207 мамлакатидан 11 300 спортчи иштирок этмоқда. Спортнинг 33 турида жами 339 медаллар шодаси ўйналади. Олимпиада дастурига янги беш тур қўшилган – бейсбол ва софтбол, каратэ, серфинг, қояларга кўтарилиш спорти ва скейтбординг.

Токио ўйинларида рекорд сонда аёл спортчилар иштирок этмоқда – 48,8 фоиз.

Олимпиада-2020 спорт гимнастикаси бўйича аёллар ўртасидаги саралаш босқичи ўтказилиб, унда ўзбекистонлик афсонавий гимнастикачи Оксана Чусовитина чиқиш қилди. Ўзбекистонлик 46 ёшли спортчининг чиқиши ҳакамлар томонидан 14,166 баллга лойиқ кўрилди. Бу эса саралашдаги 11-натижа бўлди. Шу тариқа, Оксана Чусовитина катта спорт билан хайрлашди. Аренадаги барча расмийлар ва гимнастикачилар афсонавий спортчини қарсаклар остида кузатиб қўйишди. Барча рақиблари у билан суратга тушди. Оксана фаолиятидаги сўнгги Олимпиадасидаги охирги чиқишидан кейин кўз ёшларини тия олмади. Токио-2020 Чусовитина учун фаолиятидаги 8-Олимпиадага айланди. Гимнастикачилар орасида бу рекорд натижадир.

Ниҳоят, Олимпиада Ўйинлари бошидан буён барча сабрсизлик билан кутган дамлар... Таэквондо бўйича спортчимиз Улуғбек Рашидов – олтин медални қўлга киритди! Токиода Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, Ватанимиз мадҳияси янгради!

2002 йилда туғилган Улуғбек Рашидовнинг Токио Олимпиадасидаги чемпионлиги ҳақида дунё аҳли хабардор бўлди. Ахир у Олимпиада чемпиони бўлган энг ёш юртдошимиз. Улуғбек бу натижани ўзбекистонликлар орасида тўққизинчи бўлиб уддалади.

Рашидов Ўзбекистонни медаллар бўйича рейтингда юқори ўринга олиб чиқди.

Токио шаҳри мезбонлигидаги Ёзги олимпиада ўйинларининг иккинчи кунида илк олтин медалдан ташқари, уч нафар боксчимиз ўз жангларида ғалабага эришиб, иштирокини давом эттирадиган бўлди. Куннинг биринчи жанги Турсуной Раҳимова иштирокида кечди. –51 кг вазн тоифасида рингга кўтарилган Раҳимова польшалик Сандра Драбикка қарши баҳс олиб борди ва ғалабага эришди. Шу тариқа, Раҳимова Олимпия ўйинларида ғалабага эришган илк ўзбекистонлик боксчи қиз сифатида тарихга кирди. Унинг кейинги босқичдаги рақиби туркиялик Бусе Наз бўлади. Кейинги баҳсларда ҳам унга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Велоспортнинг шоссе йўналишида иштирок этган Ольга Забелинская ҳам Олимпиададаги иштирокини якунлади. Забелинская 137 километрга кечган гуруҳ пойгаси йўналишида 67 иштирокчи орасида 9-бўлиб марра чизиғига етиб келди. У ушбу масофани 3 соат 54 дақиқа 31 сонияда босиб ўтди. Пойгада австриялик Анна Кизенхофер, нидерландиялик Аннемик ван Влутен ва италиялик Элиза Боргини совриндорлар учлигини ташкил этди.

Оғир атлетика баҳсларининг –67 кг вазн тоифасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Адҳамжон Эргашев жами 312 кг (139+173 кг) тош кўтарди ва мусобақани олтинчи ўринда якунлади. Якуний чиқишда Адҳамжон 184 кг тошни кўтара олмади. Олтин медаль хитойлик Ченга насиб қилган бўлса, колумбиялик Лозано кумуш, италиялик Занни бронза медалга эга бўлди.

26 июль куни Ёзги Олимпиаданинг учинчи кунги баҳслари ўтказилди. Бугунги баҳсларда яна 7 нафар ўзбекистонлик спортчи ўз омадини синаб кўрди, аммо кун Ўзбекистон делегацияси учун медалсиз якунланди. Таэквондочи Никита Рафалович бронза учун жангда мағлуб бўлди, оғир атлетикачи Муаттар Набиева даст кўтаришда 98 кг билан олимпия рекордини ўрнатган бўлса-да, силтаб кўтаришдаги паст натижа туфайли тўртинчи ўринда якунлади. Ўз навбатида, боксчилар жамоаси кунни муваффақиятли ўтказди, икки боксчи биринчи жангларда ғалаба қозониб, кейинги босқичга йўл олди.

Сўнгги натижаларга кўра, ҳозирга қадар 51 мамлакат медалларни қўлга киритган. Ўзбекистон терма жамоаси эса таэквондочи Улуғбек Рашидовнинг олтин медали эвазига 16-ўринни эгаллаб турибди.

Ўйинлар ҳали тугагани йўқ. Демак, ғалабалар ҳам олдинда. Юртимиз байроғи яна бир неча бор ҳилпираб, ватандошларимизга ғурур бағишлашда давом этаверсин!

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Июль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири **Батир Закиров,** Қурилиш индустриясини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи **Шерзод Мухидов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК АКТ бўлими бош мутахассиси **Илёсжон Эрматов,**

Бухоро вилояти қурилиш бош бошқармаси Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича бош мутахассис **Саид Қорёғдиев,** Геодезия ва картография бўлими 2-тоифали иш юритувчи **Феруза Пўлатова,**

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Жавлон Чиниқулов,**

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси ахборот коммуникация технологиялари бўйича мутахассис **Исломжон Махсудов,** Уйчи тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Музаффар Ниязов,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали етакчи мутахассиси **Бахром Арзиқулов,** Янгийўл шаҳар қурилиш бўлими Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилиши назорати бўйича архитектор **Алишер Исамухамедов,**

"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ Умумий масалалар бўйича менежери **Шохсанам Юлчиева**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги жамоаси Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Ҳабибулла Қувондиковга отаси

**Отақул Шакирович ҚУВОНДИКОВ**нинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Газетанинг навбатдаги сони 2021 йил 3 август куни чиқади.**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-743.
2321 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – Р. Хўжаева.
ЎзА якуни – 23.15. Топширилди – 23.50. 1 2 3 4 5 6